

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 7 (7.000). Sotuvda erkin narxda

## Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала

Мамлакатимиз иқтисодийнинг аграр тармоғини ислоҳ қилиш тизими йил сайин такомиллашиб, бошқаруving бозор усуллари тобора муҳим ва мустақам ўрин топмоқда, қишлоқда хўжалик юретишининг энг истиқболли ва самарали шакли бўлган фермерлик ҳаракати қўламини кенгаймоқда.

Айниқса, қишлоқда янги мулкдорлар синфини шакллантиришга, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни изчил ривожлантиришга Президентимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Натигада бугунги кунда қишлоқ мулкдорлари жамиятимиз тарққитининг таянч устунларидан бири бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳўкумат қарорлари тўғрисида бугун бу соҳада бардавом ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

Давлатимиз раҳбари пахтачилик, галлачилик билан бир қаторда чорвачилик, пиллачилик, асаларчилик, қоракўнчилик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу тармоқларда ҳам иқтисодий ислохотлар олиб борилади, мулкчиликнинг моддий манфаатдорлигини қўлайтирадиган шакллари жорий этиляпти.

Шу кунгача республикамизда фаолият кўрсатиб келган 126 мингдан ортиқ фермерлар сафи бу йил янада кенгайди. Чўнки қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, биринчи галда, ерни ўз эгасига берилишини тақозо этмоқда. Буни инобатга олган ҳолда, айни пайтда республикамиздаги 447 та ширкат хўжаликлари неғизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ҳараёни қизгин тусга кирган.

Бир сўз билан айтганда, бу ишлар аграр соҳада умумий жавабгарликдан шайқил жавабгарликка, умумий мулкчиликдан хўсусий мулкчиликка ўтиш, меҳнат қилган ер эгасининг моддий манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган ернинг эртанги эгаси ким бўлишини белгилаш сари ташланган дадил қадамлардир.

Хўжалик юретишининг фермерчилик шакли беқисс афзалликларга эга эканлигини ўтган йили мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилган мўваффақиятлар ҳам яққол кўрсатиб берди. Етиштирилган асосий қишлоқ хўжалиги махсулотлари – галла ва пахтанинг 65-70 фоизини улар улўшига тўғри келди. Эришилган натижалар қишлоқ хўжалигида юқори ҳосил олиш, ердан унумли фойдаланиш, қам ҳаражат эвазига қўн ҳосил этиш-

тиришда ва кўпроқ самарга эришишда фақат фермерлик усули ўзини тўла-тўқис оқлаётганлигини исботламоқда.

Дарҳақиқат, мўтаасил зарар кўриб ишлайётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, улар тасарруфидagi ер майдонлари танлов асосида ташкил этилаётган фермер хўжалиқларига берилиши энг тўғри йўл эканлигини кейинги уч-тўрт йиллик тажрибамиз тасдиқламоқда. Фақат эртага ернинг эгаси ўқувсиз, соҳадан мутлақо бе-хабар, алдан-қалдан йўллар билан танловда қўлиб чиққан одам бўлмаслиги керак. Ерни ҳақиқий эгаларига топшириш эса фермер хўжалиқларига айлан-тириштирилган ширкат хўжаликларида тендер танловлари бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг ошқо-равийлигига, адолатли ва холис ўтқазилишига жуда ҳам боғлиқдир.

Энг аввало, жойлардаги ҳўқимлар ва бошқа мўтаасадди раҳбарлар давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, бу борада ҳақиқат нури, адолат ёруғлигини таъминлаб, масалага ҳалол ва виждонан ёндашган ҳолда фермерликни ташкил этиш, ривожлантиришга жиддий эътиборни қаратсаларгина қўзланган мақсадга эришиш мўмкин.

Кейинги йилларда пахтачилик ва галлачи-ликка иқтисодлашган ширкат хўжаликлари неғизида фермер хўжаликлари ташкил этиш бораида асосан ижобий натижаларга эришилди. Экин майдонлари фермер хўжаликлари тасарруфига ўтган, унинг унуворлиги ортиб, ҳосилдорлик кўтарилди, махсулот таннархи пастайди, рентабеллик ордди.

«Фермерликнинг афзаллиги ҳамма қўлда кўзга ташланаёпти, - дейди Миришкор туманида фаолият кўрса-

таётган фермер Мухтор Шаропов. - Авваллари бизнинг ерлар «Чандир» ширкат хўжалиги тасарруфида эди. Қўлогича қарзга ботган хўжалик тугатилиб, унинг неғизида 74 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Ушан-да собиқ ширкат хўжалигида бир гектар ердан 17-18 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, ҳозир ҳосилдорлик 35-40 центнердан ортияпти. Бу – ер ҳақиқий маънода ишнинг кўзини биладиган, асл деҳқонларга бериш-ганлигини самаралантиришидир.

Ҳақиқатдан ҳам фермер хўжаликларида ширкатларга нисбатан махсулот берилишига моддий харажатлар сарфи 15-25 фоизга камайган ҳолда ҳосилдор-ликнинг ошди бораётганини, тармоқ рентабеллиги кўтарилди, деҳқоннинг даромади кўпайётганлиги кузатишмоқда. Энг муҳими, ер ўз эгасини топмоқда.

Пахта ва галла – республикамизнинг бебаҳо бой-лиги. Аммо боғдорчилик ҳам катта ҳазина. Мамлакатимиз мева-сабзавот, узум етиштириш учун қўлай об-ҳавога, унувор тупроқ, сакрий қўёш нурига эга. Чўпни тикиб қўйса, қўқарадиган бу заминимизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Фақат бизнинг асл моҳиятини чуқур англаб олиши-миз керак. Олтинсой ва Учқора май-изилари, Қўва ва Дашнобод анор-лари, Баҳмал ва Сангарда олмалари-ю Чўст наштавилари, Бўхоро ўрик-лари, Термизнинг зардолоси Шарқу Фарбининг бозорларини беэзаган. Шар-батга тўлган бир дон Сурхон ҳурмо-сини татиб кўрсангиз, хорижнинг ял-тироқ меваеига қайрилиб ҳам кара-майсиз.

Воҳа тоғларидаги ёнғоғу писталар-ни айтмайсизми? Қайси дарахт кўқар-майди бу юртда? Буни билган би-лади, билмаган билмайди.

Муқаддас Ҳадиси шарифда «Гар-чи, эртага қиёмат қойим, деб эшит-сангиз ҳам, қўчат экинг», дея даъват қилинган. Бу чўқур маъноли ҳикмати-ни изоҳлашга заррача ҳўжат йўқ. Ҳаёт қўниятигига етган ҳар бир инсон ана шу фикр мағзини чақиб, унга амал қилишни, дарахт қўчатлари экишни, боғу тоқзорлар яратишни ўзига фарз, деб билади. Шунинг учун ҳам аж-додларимиз азал-азалдан мевали дарахтларни парвариш қилишга жи-ддий эътибор қаратишган, меваесидан бол томадиган боғу роғлар яратиш-

ган. Шу ўринда ибратли бир ҳикоят ёдимизга тушади. Қадимда мулозим-лари билан шикорга кетаётган бир подшо йўл бўйида юз ёшдан ошган бир қариянинг мевали дарахт қўчат-ларини эканлигига ғувоҳ бўлибди. Подшо унга қараб, «Узингизнинг бир оёғингиз ерда, бир оёғингиз гўрда бўлса, дарахт экишга не ҳўжат? Бу қўчатлар қачон ҳосилга қиради-ю, сиз ўз меҳнатингиздан қачон баҳраманд бўласиз?»

«Мен ўзим учун эмас, ўза-лар учун боғ яратаяман», дея жаваб қайлибди қария. Бу жавабдан қойил қол-ган подшо унга олиш-лар ҳадя қилибди. Шунда қария «Эй, подшоҳим, кўрдингиз-ми, ҳозирдаёқ қилаётган меҳна-тим мевасини таъддим», деган экан.

Бу бир ривоят. Лекин унинг зами-рида нечоғли теран ҳақиқат борли-ги ҳалқимизнинг мунаввар тарихида яққол намойиш бўлиб турибди. Бунга мисол қилиб, буюқ бобомиз Амир Те-мур ҳазратларининг Самарқандда яратган жаннатнаманд боғларни кўрсатишимиз мўмкин. «Боғишомол», «Боғи балад», «Боғи майдон», «Боғи дилқўшо», «Боғи ҳажороно»...

Қадим ажодларимиз яратган боғ-роғларнинг таърифидан тасвифи етти иқлимга кетган.

Аволлардан авлодларга ўтувчи, эл тилида дoston бўлғувчи гўзал боғлар яратиш ҳаётда бўлмас эз қолдири-нинг ажойиб намўнаси сифатида эътироф этилади. Серқўёш замин-мизда етиштирилган боғдорчилик махсулотлари ўзининг сифати ва хилма-хиллиги билан машҳур эди. Юртимизда етиштирилган мевалари-миз ҳақида эса «Бобуронома»да шун-дай таъриф берилади: «Меваеи кўп бўлур ва ҳўб бўлур, қовуни би-сёр яхши бўлур... Яна «олуйи бўхорий» машҳурдир. Бўхоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўёб қўрутуб табарурилик биладилотнинг вилотқа элтарлар».

Ҳақиқатда ҳам Россия ўқла-ридаги ярмақларда пахта, қоракўл терис қаторида майиз ва мева-чева билан ҳам қизгин савдо қилинган.

Кейинги йилларда ҳам саховатли заминимизда етиштирилган мева-саб-завотлардан таёёрланган махсулот-ларга дунё бозорида талаб ортиб бо-раёпти. Негаки, офтоб нурига тўйиб болга айланган мева-сабзавотлар ви-таминларга бойлиги билан тенгсиз саналади-да.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжалиқларига айлантириш, агроноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг:

2006 йил биринчи чорайида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка иқтисодлашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин; тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудидa бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этиш бўйича тақлифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) неғизида фермер хўжалиқларини ташкил қилишда қўйидаги талаблар бажарилиши лозим:

а) ер ўчасткаси ижараси ҳақидаги шартномалар белгилаб қўйилган мавжуд иқтисодлашувни сақлаб қолиш;

б) фермерларнинг шартнома асосан боғ ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;

в) боғ ва узумзорларни сотиш тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативининг умумий йилгили қарори билан фақат ширкат раҳбарлари ва аъзолари ўртасида ўтқазилган ёниқ қимомиди савдоасида амалга оширилиши мўмкин.

3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маҳнур ва аҳолини иқтисодий муҳо-зава қилиш вазирлиги, «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-ҳолдинг» ХК, Қоракўлгоистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва туманлар ҳокимликлари:

а) 2006 йил 20 мартгача бўлган мўддатда фермер хўжалиқларини ташкил қилишга даъвогарлар ўртасида холис ва ошқора танлов, қимомиди савдо-долари ўтқазилган жамоатчилик ҳақида фўқаролар йиғини вакиллариини жалб этиб, ҳаққонийлик, очкилик ва иқтисодий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда голиб-ларнинг аниқлинишини таъминлашин;

б) 2006 йил 15 апрелгача янги ташкил қилинадиган фермер хўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум махсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тўзишни ташкил қилиш ва уларда ишлаб чиқаришни қамидга 30 фоизгача аванс билан таъминлаш қўзда тутилсин;

в) ўн қўнлик мўддатда тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида тузилмадиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларининг жойи ва уларни ташкил этиш мўддатлари белгилансин;

г) ширкатларни фермер хўжалиқларига айлантириш на-тижасида тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳақида «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-ҳолдинг» ХК муассисларининг мазкур компанияни «Ўзуумса-ноат-ҳолдинг» ҳолдинг компа-ниясига айлантириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар «Ўзуумсаноат-ҳолдинг» ХК фаолиятининг асо-сий вазифалари ва йўналиш-лари деб ҳўбоблансин:

а) истеъмол спирти ва алко-гол махсулотлари ишлаб чи-қарувчи корхоналарни модер-низация қилиш ва техник жи-ҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва техноло-гий си-ёсатни амалга ошириш;

б) истеъмол спирти, ликёр-ароқ ва вино махсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлашти-риш ва бошқариш;

в) ташқи ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадиқотлари ўтқазилсин, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардosh махсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига ва ташқи бозорларга олиб чиқишига қўма-қлаштириш;

г) тармоқда хорижий инвес-тицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторларни ишти-рокда қўша корхоналар ташкил қилишига ёрдам бериш.

5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик да махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган, ҳодимларнинг умумий сони 59 киши, жумла-дан, бошқарув ҳодимлари сони 41 киши этиб белгиланган «Ўзуумсаноат-ҳолдинг» ХКнинг ташкилий тузилмаси ва ижроия аппарати тузилмаси тасдиқлан-син.

«Ўзуумсаноат-ҳолдинг» ХК «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-ҳол-динг» ХКнинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳўқуқий ҳолати деб белгилансин.

6. Қоракўлгоистон Рес-публикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилотлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига:

а) аҳоли эиқ яшайдиган ту-рар жой базеларида ҳамда деҳқон маззеларида «дала-дукон» тамойили бўйича иқтис-одлашган савдо шўбча-чалари ва дўконлари;

б) «Ўзуумсаноат-ҳолдинг» ХК ҳақида Ўзбекистон Рес-публикаси Қишлоқ ва сув хўжали-ги вазирлиги билан ҳамкор-ликда фермер хўжалиқларини тара идишлар ва қадқоқлаш ма-териаллари билан таъминлаш тармоғи;

в) Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги билан бирга ишлаб чиқилган мева-сабзавотчилик ва узумчи-лик ширкат хўжалиқлари неғиз-ида ташкил этилаётган фер-мер хўжалиқларига транспорт хизмати кўрсатиш тармоғини ташкил қилиш бўйича шаҳсий жавабгарлик оқулатилсин.

Ушбу банднинг бажарилиши ҳақида 2006 йил 1 апрелгача Вазирлар Мақамасига ҳисобот берилинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) консерва саноати корхо-налари ўз фаолиятини мўста-қил хўжалик субъектлари си-фатида амалга ошириш ва иқ-тиёрий равишда агроноатни фирмаси таркибига киришти-риш.

мўмкин;

б) агроноат фирмалари ва мўстақил қайта ишлаш корхо-налари ўз фаолиятини муво-фиқлаштириш, техник қайта жиҳозлашга инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқариш-ни модернизация қилиш бўй-ича чора-тадбирларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда маркетинг тадиқотлари ўтқазилсин, ўз махсулотини эк-спорт қилиш учун вилот дара-жасида ихтиёрий равишда мева-сабзавот махсулотларини қайта ишловчилар уюшмалари-га берилашини мўмкин;

в) тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг виночилик пунктлари, мол-мулк қиймати белгиланган тартибда қўлан-ган ва ўшган маблағлар тугатилган қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат)нинг кре-диторлик қарларини тўлашга йўналтирилган ҳолда. «Ўзуум-саноат-ҳолдинг» ХК виночилик корхоналари ихтиёрига ўтқазил-лади.

8. 2010 йилгача бўлган давр-да қайта ишлаш корхоналари-нинг экспорт салоҳиятини мўстақамлаштириш бўйича олган ҳолда, уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳоз-лаш бўйича инвестиция лойи-ҳалари рўйхати маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвести-циялар ва савдо вазирлиги, Қо-ракўлгоистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ҳокимликлари билан бирга ик-ки ой мўддатда, мева-саб-завот махсулотлари ва узум этиштириш, уларни экспорт қилиш бораида катта имкони-яда эга бўлган энг истиқболли ҳудудларни қамраб олган ҳолда, Мева-сабзавот махсулот-лари ва узумни қайта ишлаш бўйича қўша корхоналар таш-кил этиш дастурини тайёрла-син ҳамда Вазирлар Мақамаси-га киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-Фармони-га қўра, давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб:

а) тугатилган ширкатлар неғизида ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фер-мер хўжалиқлари ягона ер оқ-лигини тўлашдан - 5 йил мўд-датга;

б) янги ташкил этилаётган агроноат фирмалари даро-мад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан - 3 йил мўддатда озод этили-ши маъълумот учун қабул қилинсин.

Солиқ солишдан бўшайди-ган маблағлар мақсади равиш-да мева-сабзавот махсулотла-рини қайта ишлаш корхонала-рини ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар яратиш ва уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзуум-саноат-ҳолдинг» ХК ва бошқа манфаатдор идоралар билан бирга ишлаб чиқилган амалдаги қўнқчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар кирити-тиш юзасидан тақлифлар тақ-дим этсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазир Ш.Мир-зиёев зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2006 йил 11 январ

Ҳозир мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги-да тарихий жараён кечаяпти. Паст рентабел-ли, бўзгича қарзга ботган ширкатлар бос-қичма-босқич тугатилиб, уларнинг неғизида фермерлик жорий этилмоқда.

## Танлов адолатли ўтса, эътирозга ўрин қолмайди

Натijasими? Келинг, шуни ўтган йили иш бошлаган фер-мерлар мисолида айта қолайлик. Хабарингиз бор, 2005 йили тугатилган 445 та ширкат хўжалиги ўрнида 25 мингдан ортиқ фермер иш бошлади. Ширкат даврида ҳар гектар ердан гал-ладан ўртача 26,7 центнердан ҳосил олинган бўлса, фермер-ликка ўтилган, бу борадаги кўрсаткич 33,1 центнерданга ет-казилди. Худди шунингдек, пахтачиликда ҳам 19,3 центнер-лик марра 24,4 центнерга кўтарилди. Мана, фермерликнинг афзаллиги.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай мўваффақиятларнинг бош омилли Президентимиз томонидан илгари сурилган иқтисо-дий ислохотлар-ланганию, уни из-лаётганлиги, ер-да фермерликка-ларга берилаёт-лиги, барна танловларни ҳам адолатли ўтган, деб айта о-маймиш. Айрим жойларда таниш-билишчилик, ошна-оғайни-гарчилик ҳолатлари бўлганини ўтган қисқа давр кўрсатиб ту-рибди. Бу йилги танловларни ана шундай қусурлардан холи, кенг жамоатчилик оммаси жалб этилган ҳолда қўнқий, ош-қора ва холис ўтишини таъминлаш бош мезон қилиб бел-гиланган. Чўноччи, бунда жамоатчилик Кенгашлари қўмағига таянляпти. Мақсад битта - ерларни оқилона танлов асоси-да ҳаққоний тақсимлаш. Негаки, ер уни ишлаша оладиган, билимли, тажрибали деҳқон, қисқаси, ҳақиқий эгасига бе-рилсагина гўллаб-ўшнайди. Ана шунда деҳқон ҳам, юрт ҳам манфаат қўради.

Танлов жараёнини кузатиш, тендер иштирокчилари билан суҳбатлашни мақсадида Қашқадарё вилотининг айрим туманларида бўлди.

(Давоми 2-бетда)

## 14 январ – Ватан ҳимоячилари кўни



Ватан ҳимоячи-лари кўнига бағиш-ланган мақолалар билан газетамизнинг 3-саҳифасида тани-шасиз.



СУРАТЛАРДА: ҳар-бийлар ҳаётидан лав-ҳалар.

## Мустақкам қалқон

Мустақиллигимиз-нинг дастлабки йил-ларини, Куролли Кучла-римиз эндигина шак-лланиб келаётган пай-тлар бу борада бир қанча муаммолар юза-га чиққанди. Йигитла-римиз орасида ҳарбий хизматга иштиёқ учна-лик сезилмас, айрим ота-оналар турли баҳо-наларни рўқча қилиб, фарзандларини армия-дан олиб қилишга ҳара-кат қилишарди.

Уша пайлар, албатта, бун-дай ҳўлнинг ўзига яраша са-баблари бор эди. Армиямиз-нинг ҳали тўла шаклланиб улгурмаганили, ҳарбий қисм-лардаги эски шароитлар, миллий офицер кадрлари-мизнинг етишмаслиги каби камчиликларни шулар жум-ласига киритиш мўмкин.

Айтиш жоизки, бундай нуқ-сонларга тезда чек қўйилди. Бугун ҳолат тамоман бошқа-ча. Айни пайтда ҳарбийлик ҳар бир йигит учун орзуга ай-ланаётгани ҳақиқат. Аммо орзу билан ҳарбий ҳаётдаги воқеали ўртасидаги фарқ ҳарбийликнинг илк қўнларидан-данок сезилиши ҳам бор

гап. Ҳарбий мактабнинг те-мир интизомии, ҳарбийларга-гина хос тартиб-қондалари аскардан кўн нарсани талаб этади. Бунинг учун йигит ўзи-га талабчан бўлиши лозим. Зеро, армиямиздаги ислохот-лар худди мана шунга қаратилган.

Ҳарбий кудрат армия сафла-рида хизмат қилаётган ин-сонлар билан чамбарчас боғ-лиқ. Шу маънода олиб қарай-диган бўлсак, ҳарбий соҳада-да ислохотлар натижасида айни дамда ҳарбий хизмат-чиларнинг ижтимоий ҳимоя-си ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Буни, айниқ-са, кейинги пайларда қабул қилинадиган фармон ва қарорларда юрт ҳимоясини ўзига касб, деб билган ҳар-бийларимизни янада кенг-роқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яра-тиш масалаларига алоҳида аҳамият берилаётганида кўришимиз мўмкин.

(Давоми 3-бетда)





**"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 7000-сонини нашрдан чиқди.**  
 Етти мингта сонини ўз ичига олган газетанинг ўттиз йилдан орტიқроқ давр мобайнидаги таҳлили устма-уст қўйиб чиқилса, салкам икки қаватли уй билан тенглашиб қоларкан.

**Газетамизнинг ҳар бир сони** таҳририят жамоасининг фидойилigi, унлаб ходимларнинг машаққатли меҳнати, беҳаловат дамлари эвазига

# Етти мингта сонини учрашув

шимизнинг матбуотга, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратаётган эътибори бизнинг ҳам жамоамизга ижобий таъсир

Ноўрин бўҳтон ва тухматлар қаршида асабларнинг беҳуд қажшагани қолди, холос. Ўзбекистон эса ўзи танлаган, демократик ва ҳуқуқий жамият

вон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатиладиган одамлар, ҳатто ганимларимиз ҳам инкор этолмайди. Лекин, таасуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққийта етишиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсиқ ва қовлар, сондир этилаётган жиноятлар ҳақида ошқорча гапириви, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва ҳолис ахборот етказишда биз

ҳамон оқсаб келмокдамы.

Бунинг ҳар бир журналисти, матбуот ходими чўқур ҳис этмоғи лозим. Демак, ҳали ўз устимизда астойдил ишлашимиз; ўз кўсурларимизни бар-тароф этишга жиддий киришимиз зарур.

Тинчлигимизни, фаровон ҳаётимизни қўрқмаётган, барқарорлигимизга раҳна солаётган кучлар бор экан, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Бу жараён ҳаммадан, хусусан, журналистлардан ҳам жуда катта масъулият, оғоҳлик ва серғаклиқни талаб этади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси



## "Пахтакор" - "Қайрат" 2:0

**БААдаги биринчи назорат учрашувида Германиянинг бундес лигасида иштирок этган "Ганза" клубининг 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраган "Пахтакор" клуби 8 январ куни маҳаллий "Ажман" жамоасига қарши тўп сурди.**



Бу клуб БАА чемпиони Олма-Отанинг "Қайрат"ига қарши ўтказди. Тачмурот Агамуротов мураббийлик қилаётган Козогистон жамоаси ҳам "Пахтакор"га бас келрлмади.

Кескин курашлар остида ўтган ўйин 2:0 ҳисобида Равшан Ҳайдаров шогирдлари фойдасига ҳал бўлди. Вакилларимизга галаба келтирган тўпларни Анвар Солиев ва Садриддин Абдуллаев рақиб жамоа дарвозасига йўллашди. Зайниддин Тожиёв томонидан биринчи бўлимда киритилган голни ҳакам инобатга олмади.

## Елена Исинбаева Европада тенгсиз

**Европа енгил атлетика ассоциацияси 2005 йил якунлари бўйича "Қўн қитъа"даги энг яхши спортчилар номини маълум қилди.**



Аёл спортчилардан бу номига россиялик спортчи, баландликда таяниб сакрашда олимпиада чемпиони, кўп марта Европа ва жаҳон чемпиони ва жаҳон рекордлари соҳибаси Елена Исинбаева лойиқ топилди. Эрак спортчилар ичида эса диск улқотириш бўйича жаҳон чемпионилини кўлга киритган литвалик Виргилиус Алекна 2005 йилда Европанинг энг яхши енгил атлетикачиси, деб тан олинди.

Оммавий ахборот воситалари ва Европа Енгил атлетика ассоциацияси томонидан ўтказилган "Европада йил енгил атлетикачиси" сўровида ҳам Елена Исинбаева кўп овозга эга бўлди.

Эслайтиб ўтамыз, ўтган йили у аёл спортчилар ичида биринчи бўлиб беш метр баландликни забт этганди. Елена Хельсинкида ўтган жаҳон чемпионатида эса бундан ҳам юқори-роқ натижага эришганди.

## Марат "Рубин"да синовдан ўтапти

**Россия чемпионати клублари аини куларда янги мавсумга тайёргарлик кўрмоқда.**



Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Александр Гейрих "Торпедо" билан тайёргарлик кўраётган бўлса, "Крылья Советов" Туркиядаги йиғинга Бахтиёр Ашурматовни олиб кетган. Марат Бикмаев ҳозир Козоннинг "Рубин" клубида куриқдан ўтмоқда. Аини пайтда бу жамоа аъзолари Туркияда машғул ўтказмоқда ва Марат ҳам мавсумга тайёргарлик кўраётган қозонлик футболчилар сафида бор. "Пахтакор" ва Ўзбекистон терма жамоаси моҳир химоячиси Алексей Николаев эса ўз омадини Россия премьер лигасида синаб қуришга аҳд қилган куриқда. Алексейга ҳозир Ярославнинг "Шинник" клуби қизиқиш билдирган. Агар Алексей машғулларда ижобий натижа кўрсатса, у "Шинник" сафида тўп сурадиган учинчи ўзбекистонлик футболчи бўлади. Эслайтиб ўтамыз, "Шинник" сафида ҳозир Евгений Сафонов ва Леонид Кошелёвлар харакат қилмоқда.

## Илья Ковальчук - ҳафта ўйинчиси

**Сўнги тўрт ўйинда рақиб дарвозаларига 8 шайба йўллаган "Атланта тпешерз"нинг россиялик легионери Илья Ковальчук МХЛ (Миллий хоккей лигаси) томонидан ҳафтанинг энг яхши ҳужумчиси, деб тан олинди.**



Аини пайтда россиялик спортчи 32 шайба билан бомбардирлар рўйхатида биринчи бўлиб турибди. Энг яхши химоячи сифатида "Филадельфия" ва "Колорадо" дарвозабонлари Антеро Ниттимяк ва Давид Айбишлар эътироф этилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёради.**

**Савдолар 2006 йил 18, 22 феврал кунлари Хатирчи туманидаги қайта ташкил этилаётган А.Ҳалимов номли ширкат ҳўжалигининг мажлислар залида бўлиб, ёппқ аукцион соат 16.00 да бошланади.**

№	Мулк номи	И.Ҳ. Ёили	Бошланғич баҳоси
Қишлоқ ҳўжалик техникалари			
1	Т-284 р.д.б. 03-99 НО трактори	1989	990 960
2	Т-284 р.д.б. 76-38 НО трактори	1995	990 960
3	Т-284 р.д.б. 03-77 НО трактори	1989	990 960
4	Т-284 р.д.б. 76-06 НО трактори	1995	990 960
5	Т-284 р.д.б. 02-92 НО трактори	1976	1 040 630
6	Т-284 р.д.б. 09-33 НО трактори	1984	1 040 630
7	МТЗ-80 р.д.б. 03-52 НО трактори	1989	1 432 983
Автоинотспорт воситалари			
1	Газ 33 р.д.б. 21 АН 337 автомашинаси	1988	175 400
2	Газ 51 р.д.б. 21 АН 339 автомашинаси	1982	131 000
3	Газ 32 р.д.б. 21 АН 336 автомашинаси	1984	145 700
4	Газ 31 р.д.б. 21 АН 342 автомашинаси	1986	1 881 900

Ёппқ аукцион савдосига фақатгина А.Ҳалимов номли ширкат ҳўжалиги ишчи ходимлари қатнашиш ҳўқуғига эга.

Ёппқ аукцион ташкилотчисига қуйидаги ҳўжжатларни тақдим этишлари шарт:

- \* кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза;
- \* савдо ташкилотчиси ҳўсб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10 % (фоиз) миқдоридagi гаров пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳўжатининг асл нусخаси;
- \* харидорнинг ҳўқуқий ҳўжжати нусхаси.

Аризалар савдо бошланишига 1 соат қолганга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий ш. П.О'чилов к-си 24-уй. Тел: 224-15-61, 224-64-31.

## Парвозинг баландласин, қадрдоним

**Кечагидек эсимда.** Газетанинг ташкил топган кунлари ва унда иш бошлаган ижодкорлар... Ўзининг журналистикага меҳр қўйиб, газетада биргина ахборотим чоп этилса ҳам, бошим осмонга етгудек қувонганларим...

Йиллар бир-бирини қувиб ўтар экан. Умр йўлинг да анча-мунча манзилни босиб қўйганингни эса сезмай қоларкансан. Аини пайтда умрининг мазмунига, қадрдонингга айланган кимлардир ва нелардир қалбингга жуда ҳам яқинлигини ҳис этаркансан киши.

Худди шундай, "Қишлоқ ҳаёти" ҳам менинг бир умрлик қадрдоним. Бир пайтлар бу даргоҳда қалами ўткир, нигоҳи тيران инсонларни устоз санаб шогирд туғиниб, журналистикадек машаққатли соҳанинг сир-асрорларини ўрганган бўлсан - қаранг, ҳаёт ҳам кўз очиб-юғмудек шиддатли экан - бугун ўзим устозман.

Мени қувонтирадиган жиҳат шунки, бу давр ичида "Қишлоқ ҳаёти"нинг киёфаси, унда ишлаётган ижодий жамоа ўзгарди, янада кучга тўлди, ўқувчиларнинг қалбига янада яқинлашди. Аини шу кунда шодлигим

кўрсатди. "Қишлоқ ҳаёти" аини чоғда мамлакатимиздаги ўқимилши, сермазун газеталардан бирига айланиб бораётганини кўпчилик эътироф этаётир. Бу эса, таҳририятимизга алоқадор бўлган бирор ижодкорни қувонтирмай қўймайди.

Ахборот, электроника, информацион хуружлар асри, дея номланаётган бугунги кунимизда ҳолис ва ҳаққоний сўзининг ўрни қанчалик муҳим эканини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бундай синовларни биз ўз бошимиздан ўтказдик, ўз тақдиримизда кўрдик. Ўтган 2005 йилнинг май ойида Андижонда рўй берган муҳиш воқеалар ва унинг теварагидаги турли миш-мишлар, фиксу фўжур ким аслида ким эканини яққол кўрсатиб берди. Бирок, ҳақиқатни ҳаспўшлаб, ёлғонни ошириб-тошириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

барпо этиш йўлидан ҳамон дадил одимлаб бормоқда. Бу залворли карвон сафида биз - журналистлар, хусусан, "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг захматхўш ходимлари ҳам борлигидан фахрланамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаро-

### Азиз ҳамюртлар! Маблагингизни янада кўпайтиришни истайсизми?

### "ПАХТА БАНК" жорий йилнинг 9 январидан бошлаб 10 февралгача бўш пул маблағларини янги, қулай ва манфаатли бўлган "ҚУВОНЧ" муддатли омонатига қабул қилади.

**Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 6 (олти) ой бўлиб, ҳар ойда йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўланади!**

### Бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм!

Омонатга қўйилган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш" Фонди томонидан кафолатланган!

### Банк хизматини танлаганда адашманг!

Омонатингизни ишонгли асраймиз ва кўпайтирамиз!

### "Пахта Банк" = фаровонлигингиз калитидир!

<b>Бош муҳаррир</b> Ўткир РАҲМАТ	<b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Агротант комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-68-83, 136-66-25, Котибнат - 133-95-17. Реклама ва ёлғонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87	<b>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</b> Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бўҳоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Ҳоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.	<b>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавабгар</b> D - тижорат мақола	<b>"Қишлоқ ҳаёти" материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.</b>	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	<b>Навбатчи:</b> Ф. АБИЛОВ <b>Саҳифаловчилар:</b> Р. ЕДГОРОВ, А. САФОНОВ <b>Бош мусоҳҳих:</b> Х. ТОШУХЖАЕВ
-------------------------------------	---	--	--	--	--	---	---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-319, даҳми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қороз чичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топшириш вақти: 21.00. Адади - 18274

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақошида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

### ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ШИНАЛАРНИ сомагу:

енгил машиналар учун, енгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун

Тел: (77877) 157-10-61, 157-20-76, 157-20-84, 334-64-21

### аккумуляторларни WESTA

Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.

Улғурчи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:  
Наманган ш., Дўстлик шох кўчаси, 1-А уй. Тел (3692) 24-56-80  
Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88  
Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06  
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел:(37622) 2-45-85.

ООО "CHILONZOR FOOD" Чиланзарского района (код ОКНХ 71280) извещает о разделе имущества общества между Учредителями и о разделении общества.

Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления.

Утерянный гос.ордер № 00-21/1195 от 15.03.1993 г права собственности Розмурадовой Гульджелер на квартиру, считать не действительным.

Утерянный гос.ордер № 04-01/21781 от 16.01.2003 г. права собственности Расулова Тимуря Мамиржановича на квартиру, считать не действительным.

### Сотиб олиб, мулкдор бўлинг!

Республика кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят филиали аукцион комиссияси иштирокида объектингиз бошланғич баҳосини босқинма-босқин ошириш тартибида ўтказиладиган ёппқ аукцион савдоларига тақдим этилади.

Савдолар 2006 йил 18, 22 феврал кунлари Хатирчи туманидаги қайта ташкил этилаётган К.Раҳматов номли ширкат ҳўжалигининг мажлислар залида бўлиб, ёппқ аукцион соат 11.00 да бошланади. Ёппқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади.

Қайта ташкил этилаётган К.Раҳматов ҳўжалигига қарашли мулклар

№	Мулк номи	И.Ҳ. Ёили	Бошланғич баҳоси
Қишлоқ ҳўжалик техникалари			
1	Т-284 р.д.б. 03-99 НО трактори	1989	990 960
2	Т-284 р.д.б. 76-38 НО трактори	1995	990 960
3	Т-284 р.д.б. 03-77 НО трактори	1989	990 960
4	Т-284 р.д.б. 76-06 НО трактори	1995	990 960
5	Т-284 р.д.б. 02-92 НО трактори	1976	1 040 630
6	Т-284 р.д.б. 09-33 НО трактори	1984	1 040 630
7	МТЗ-80 р.д.б. 03-52 НО трактори	1989	1 432 983
Автоинотспорт воситалари			
1	Газ 33 р.д.б. 21 АН 337 автомашинаси	1988	175 400
2	Газ 51 р.д.б. 21 АН 339 автомашинаси	1982	131 000
3	Газ 32 р.д.б. 21 АН 336 автомашинаси	1984	145 700
4	Газ 31 р.д.б. 21 АН 342 автомашинаси	1986	1 881 900

Ёппқ аукцион савдосига фақатгина К.Раҳматов номли ширкат ҳўжалиги ишчи ходимлари қатнашиш ҳўқуғига эга.